




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-сиёсий газетаси

№ 67 (8.957)

1997 йил

13 июнь, жума

Сотувда эркин нархда

Эски шаҳарда Қорасарой ва Абдурахмонов кўчалари кесилган жойда 72 оилга мўлжалланган 9 қаватли бино фойдаланишга топширилди. Тажриба-уйсозлик комбинатида қарашли 3-конвейерли қурилиш бошқармаси участка бошлиғи Тошпўлат Норкулов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Қурувчиларимиз рилишга нима лозим бўлса барча ишлар биринчи ва учинчи пайвандлаш бошқармалари ҳамда «Газмонтаж» бошқармаси ишчилари томонидан бажариломқда. 5-пардозлаш бошқармасининг иш-бошчиси Хусниддин

Қурилиш

ИҚЛИМГА МОС УЙЛАР

риш билан яқунладик. Қўриб турганингиздек ақинда ана бир кўп қаватли бинога уй эгалари кўчиб киришди. Ҳозирда эса тўртинчи тўққиз қаватли бино қурилишини жадал суръатлар билан олиб бораётимиз.

Янги бино Асомов кўчасининг Қорасарой йўналиши томонидан қад қўтарган. Шу кунларда унинг 5-қаватида қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Юқоридаги бошқарма ишбосхиси Саид Кабиров бизга қуйдагиларни гапириб берди:

— Хоналарнинг саҳни бирмунча кенг. Йўлак 11 метр узунликда. Эни салкам уч метр. Пешайвон тўрт метрга тўрт метрни ташкил этади. Хуллас қураётган уйимиз кўп болали оилаларга мўлжалланган. Ертўла пойдевори январь ойида бошланганини, умуман қурилиш ишлари июль ойида тугалланишини эътиборга оладиган бўлсак 72 қаватли бино режа бўйича тикланипти. Ҳозиргача ярим миллион сўмлик қурилиш ишлари бажариб қўйилди.

Бинода бунёдкорлик ишлари баҳамжхатлик билан олиб борилаётир. Сувоқчилар, газчилар, сантехниклар, хуллас, иккиламчи қу-


Жумаевни ҳам шу ерда учратдик. — Бинонинг пастки қаватларида пардозлаш ишларини бошлаб юборишимизга имконият бор. Эрта-индин 40 кишидан иборат меҳнат жамоамиз ишга тушади, — дейди у.

Қурувчилар билан суҳбатда бино конструкциясига турли ўзгаришлар киритилганлигини билиб олдик. Бетон ўзидан совуқ чиқаришни ҳисобга олиб пайвандлаш ишлари керамзит бетон блоклари қўлланилган. Бу ўз навбатида пардозлаш ишларида ҳам қулайлик туғдиради. Энг муҳими, у бизнинг иккинчи шароитимизга мос келади.

Пайвандлаш ишлари билан банд бўлган Қурбонбой Қошововни суҳбатга тортидик.

— Ишларимиз яхши. Ойлик маошимизни ўз вақтида олиб турибмиз. Яқин кунларда сотиб олган акцияларимизга ҳам биринчи дивидендларни оламиз. Хуллас, бизга яратилган шароитлар етарли. Шунга яраша меҳнат қилиб қурилишни ўз муддатида фойдаланишга топшириш ниятидамиз. Орадан яна бироз муддат ўтади. Эски бинолардан яна 72 оила шинам уйга эга бўлади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



«Малика» очик турдаги ҳиссодорлик жамиятида жуда кўп ўз қасбини усталари меҳнат қилишади. Ана шундайлардан бири Шоюсуп Шообидов. Мана 26 йилдирки у шу корхонада меҳнат қилиб катта обрў орттирди. Шунингдек кўплаб ёшларнинг устози ҳамдир. СУРАТДА: Шоюсуп Шообидов иш устида.

Ҳамид Сулаймонов олган сурат.

ЯРАШИҚЛИ. ХУШБИЧИМ

Халқ таълими вазирлиги мактабларда ўқувчилар формасини жорий этиш ҳақида семинар-кенгаш ўтказди. Пойтахтдаги 17-ўрта мактабда ўтказилган ишбу семинар-кенгашда қадар ҳар бир мактаб жамоаси иш-бу масала юзасидан ўз тақлифларини, фикр-мулоҳазаларини тайёрлаган эди.

Семинар-кенгашда мактаб раҳбарлари ва ўқувчилар, услубчилар ҳамда ота-оналар иштирок этдилар. Мактаб ўқувчилари мактабларда жорий этилиши кўзда тутилган мактаб формаларида намуналарни кенгаш иштирокчиларига намойиш этдилар.

Ўқувчилар формасини тикиш муаммоси ҳам шу ернинг ўзидаяк деярли ҳал этилди, яъни мактаб формасини тикишда айрим мактаб жамоалари, фир-

малар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари ишлайдиган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда келишиб иш олиб борадиган бўлдилар.

Жорий этиладиган мактаб формасининг сифати ҳозир ўқувчилар қиятган хориждан келтирилган турли-туман кийимлардан сира қилинмайдиган. Аммо нархи улардан анча арзон бўлади.

Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ҳам мактаб жамоаси ва ишбилармон тadbиркорлар томонидан мактаб ўқувчиларининг формаси ҳада этиладиган бўлди.

Уйлаимизки, республикамизнинг барча ўқувчилари янги 1997—1998 ўқув йилида ўзларига ярашиқли, замонавий ва хушбичим мактаб формаларида мактаб остонасига қадам қўядилар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.



АКЦИЯЛАР КИМОШДИ САВДОСИ

ХИФ дастурлари асосида хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини сотиш бўйича тўққизинчи кимовида савдоси бўлиб ўтди. Унда 23 та ХИФларнинг бошқарув компаниялари иштирок этдилар.

Савдога «Ўзғемойтамаксаноат», «Ўзғеммаксаноат», «Ўзғемгазсаноат», «Ўзғемгазсаноат», «Ўзғемгазсаноат», «Ўзғемгазсаноат», «Ўзғемгазсаноат» ва бошқалар қатнашди. Савдода 12 корхонанинг акциялари қўйилди.

ХИФларга 11 тармокча тегишли 85

корхонанинг 461,9 миллион сўмидан кўпроқ миқдорда акциялари сотилди.

Аҳолига ХИФ акцияларини сотиш миқдори кейинги 2 ой ичида кескин кўпайди. Айни пайтда ХИФларнинг расман рўйхатдан ўтган 60 мингга яқин акционери бўлиб, улар акцияларининг умумий сотув миқдори 100 миллион сўми ташкил этади. Шундан 17 миллион сўмликча яқини Халқ банки бўлимлари томонидан ва 600 миң сўмликча эса «Туробанкс» жамғарма кассалари орқали сотилди.

Маъмура РЎЗИЕВА.

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришга давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатининг аҳамиятини

Фармон ва ижро

«ХУНАРМАНД» УЮШМАСИ ТУЗИЛДИ

ошириш, қўлда ишланадиган юксак бадий буюмларни тайёрлаш ва ўзига хос турларини қайта тиклаш, шунингдек халқ амалий санъати усталарининг меҳнат фаолияти масалаларини ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Ана шу Фармонга мувофиқ «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази негизда халқ усталарининг «Хунарманд» уюшмасини ташкил қилишга қарор қилинган эди. Кунин кеча «Хунарманд» уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

— Халқ хунармандлари фаолиятига давлат даражасида эътибор берилмаётганлиги республикамизда миллий хунармандчилик ва амалий санъатни ривожлантиришга нақадар катта аҳамият қаратаётганлигидан дарак беради, — деди конференцияда таниқли санъат-

шунос, «Мусаввир» марказининг бош директори Шохалил Шойқубов. — Бугунги кунга келиб биз халқ усталарининг олтин қўллари билан юзлаб дурдоналарни яратишга ва уларнинг Бельгия, Швейцария, Англия, Франция, Испанияда бўлиб ўтган кўргазмаларда юксак баҳо-ларни олишига муяссар бўлдик. «Мусаввир» маркази қўшида «Хунарманд» уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги қарор амалий санъат хунармандчилигини ривожлантиришда қудратли омили бўлади. У ўзига хос иқтисодий уюшма бўлиб, кўпгина ташкилотлар билан, шу жумладан республика Бадий академияси билан муносабат ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Бу нарса бизга энг эркин ва истеъодли ҳамда хизмат кўрсатган усталарни академикликка тавсия этиш ҳуқуқини беради.

Таъсис конференциясида сўзга чиққан халқ хунармандчилигини тиклаш ва ривожлантириш олийжаноб иш эканлигини, бу ишга бутун кўн-ғайратни сарфлаш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Улар шунингдек Ўзбекистоннинг хунармандчилиги ва амалий санъати ўзининг кўп асрлик анъаналарига эга эканлигини, Фармон муносабати билан ишлаб чиқилган дастур хунарманд усталар олдида янги имкониятларни қўйиб қўйиб таъкидлаб ўтдилар.

Конференцияда «Хунарманд» уюшмасининг фаолияти жуда ҳам кенг қиррали эканлиги таъкидланди. У фақат иқтисодий ишлардан иборат бўлиб қолмай шу билан бирга усталарга зарур шарт-шароитларни яратиш, хом ашёлар, маблағларни қидириб топиш ҳамдир. Барча вилоятларда уюшманинг филиаллари очилди. Бундан мақсад жойларда хунарманд усталарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Республика «Хунарманд» уюшмасининг раиси этиб Н. М. Облоқулов сайланди.

Ўз мухбиримиз.

ҚОНУН — УСТУВОР

Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган ҳайат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг яқинда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳуқуқий маданиятни ошириш юзасидан бўлиб ўтган учрашувдан келиб чиқувчи вазифаларни белгилаб олиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ийгилишда бу кенг қамровли вазифани бажариш прокуратура идоралари тизимларига инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб борилиши, жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва бошқа йўналишдаги фаолиятини амалга оширишда беқиймас масъулият юқлаб, ишдаги нуқсон ва камчиликлар, қонун бузиш ҳолларини тезорек бар-тарф қилишни, келажақда уларга йўл қўймаслиқни тақозо қилаётганлиги таъкидланди.

Президент томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида ҳуқуқий-

демократик давлатни барпо қилишда амалга ошириш лозим сифатида қўйилган муҳим масалалардан бири — ҳуқуқий тарғибот йўли билан аҳолининг ҳуқуқий маданияти савиясини ошириш вазифасини янада юқори даражага кўтариш мақсадида ҳайат мажлиси томонидан қўйилган амалий тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, ҳайат мажлисида муқимликнинг турли шаклларида бўлган қорхоналарда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тарғибга солувчи қонунлар ижроси юзасидан прокурор назорати аҳоли ҳам муҳокама этилди. Ташқи иқтисодий фаолиятни тарғибга солувчи қонунлар ижроси доимий равишда прокуратура идоралари томонидан назорат қилиниб келинмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 11 апрелда чиққан «Экспорт-импорт операцияларини тарғибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилиб, умумий назорат тартибиде текширишлар ўтказилиб, текшириш натижаларида қўра ташқи иқтисодий фаолиятни тарғибга солувчи қонун талабларини бузган шахсларга нисбатан 21 жиноят иш қўзғатилган, 150 тадан ортиқ прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг матбуот маркази.

Медос

ШАРҚ МУСИҚА АСБОБЛАРИ НАМУНАЛАРИ

Ҳозир Тошкент Давлат консерваториясида миллий чолғу асбобларининг 800 дан ортиқ намунаси тўпланган.

Олий мусиқа мактабининг халқ чолғу асбоблари кафедраси бу меросни ўрганиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Кафедра ҳузурида махсус ташкил этилган лабораторияда чолғу асбоблари турларини аниқлаш ва тадқиқ этишда бой тажриба тўпланди.

Кейинги йилларда бу ерда 10 дан ортиқ анъанавий чолғу асбоблари асосида уларнинг 70 га яқини қайта тикланди. Чолғу асбобларини кўз қорачиғидек асраш мақсадида мусиқа асбоблари музейи ҳам очилган. Мана шунга ҳам 15 йил бўлди. Музейда Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари миллий чолғу асбоблари ҳам мавжуд. Шу сабабли у Шарқ халқлари мусиқа музейи деб юритилмоқда.

Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган мазкур музей турли даврларда асалган чолғу асбоблари намуналари билан яқиндан танишиш имконини бермоқда.

Ирода ПЎЛТАОВА.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркалари қўлланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Олий Мажлис Кенгашининг навбатдаги мажлисида миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, унинг харид қувватини ошириш, пул эмиссияси даражасини қисқартириш, банк тизимини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

● Республикамиз пиллакорлари қабул пунктларига шартномада кўзда тутилган 18945 тонна ўрнига 20,5 миң тоннадан кўпроқ қимматли саноат хом ашёси етказиб бердилар. 2621 тонна пилла тайёрлаган Андижон, 1750 тонна пилла тайёрлаган Хоразм вилоятлари ҳам давлат буюртмасини адо этдилар.

● Кеча Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номли китобининг журналистлар учун тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизга келган Чехия тadbиркорлари вакиллари Кишлоқ ва сув ҳўжалиги, Коммунал хизмат вазириликлариде, «Ўзавтотранс», «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссодорлик жамиятида музокаралар ўтказдилар. Тошкент шаҳар ҳокимлигида қабул қилиндилар. Дастлабки ахдлашувларга кўра республика-мизда Чехия билан ҳамкорликда кичик гидростанциялар қуриш, «Шкода» русумидаги автомобилларни таъмирлашни йўлга қўйиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш мўлжалланаяпти.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Кеча Брестда Россия билан Белоруссия иттифоқи парламентининг биринчи сессияси иш бошлади. Унинг ишида Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ҳам иштирок этмоқда. Бу иттифок парламенти уч кун давом этадиган сессияда Россия билан Белоруссия ўртасидаги Иттифок шартномаси ва низомини амалга ошириш юзасидан биринчи галдаги вазифаларни кўриб чиқмоқда.

● Сочиде дам олаётган Россия Бош вазири Виктор Черномырдин кеча Чеченистон президенти Аслан Масхадов билан учрашди. Унда асосан Озарбайжон нефтини Чеченистон орқали Европага етказиб бериш масалалари кўриб чиқилди. Бугун бу музокаралар давом этирилди.

● Москва шаҳри ҳўкумати ташқи бозорга муниципал заём чикарди. Шу йўл билан Россия пойтахти ҳўкумати шаҳарга 500 миллион доллар миқдорда чет эл сармояларини жалб этиш ниятида. Москвада хорижга мўлжалланган муниципал заёмлар 1812 йилдан бошлаб октябр инқилобига чикариб келинган эди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Тожикистонда халқаро ҳам-жамият қузатувчиларининг бўлиш муддатини яна уч ойга узайтирди.

ХОРИЖДА

● «Толибон» ҳаракати жангарилари яқиндаги ҳужуми пайтида Афғонистон шимолида қўлга киритган сўнгги шаҳар — Пули-Хумрини ҳам ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Афғонистон коалицион ҳўкумати кўшинлари қўмондонни Аҳмад Шох Маъсуд толибончилар билан музокаралар бошлашга тайёрлигини билдирди.

● Пекинда 99 йил давомида Буюк Британиянинг мустанлакка бўлиб келган Гонгконг Хитой тасарруфига ўтадиган кун — 1 июль миллий байрам, деб эълон қилинди.

● Кеча Нью-Йоркда АҚШ билан Шимолий Корея ўртасида ядро қурол-ярроқларини тарқатмаслик тўғрисидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди.

● Бугун Копенгагенда жаҳон газ конгресси ўз ишини ниҳоятга етказди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган газ саноати вакиллари «зангори олов»дан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама этдилар.

● Брюсселда НАТОга аъзо 16 мамлакат ҳамда АҚШ мудофиа вазирилари Шимолий Атлантика харбий блокага янги аъзолар қабул қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар.

● 15 июнда Хорватияда президент сайловлари бўлиб ўтади.

● Европанин 12 давлати ва АҚШ харбий-денгиз кучлари 16-27 июнь кунлари Болтиқ денгизда ўтказиладиган навбатдаги — 25-харбий машқларда иштирок этадилар.

● АҚШда ишсизлик даражаси сўнгги 24 йил ичида энг паст даражага — 4,8 фоизга тушганлиги эълон қилинди. Президент Билл Клинтон кўп жиҳатдан бу унинг маъмурияти сайъ-ҳаракати натижалари, деб баҳоламоқда. Хусусан, Билл Клинтон мамлакат Президенти бўлгандан буён АҚШда 12,3 миллионга янги иш жойлари ташкил этилибди.

● Канадада яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларида ғолиб чиққан Либераллар партияси етакчиси Жан Кретьен бошчилигидаги ҳўкумат қасамд қилди. Бу ҳўкумат аввалгисидан деярли фарқ қилмайдиган.

● Россия патриархи Алексий II Қуддусга келди. У бу ерда православ динининг муқаддас жойларини зиёрат қилмоқда.

ДАМ ОЛИШ ОКШОМИДА

Сергели туманида балоғатга етмаган ўсмирлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олишга бағишланган амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўсмирлар тарбиясидаги долзарб муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикрлар билдирилди. Биз анжуман қатнашчиларининг баъзи фикр ва мулоҳазаларини ёзиб олдик.

♦ Бегали АБДУГАНИЕВ, милиция майори, Сергели туманидаги балоғат ёшига етмаган ўсмирлар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи:

— Жойларда оқошталаниш асраш ва

Анжуманлар

УЗВИЙ ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Ўсмирлар тарбиясини фақатгина участка инспекторлари зиммасига юклаб қўйиш тўғрисида «Бир фарзанда етти кўшни ота-она» дейилганидек, ўсмирларга маҳаллада фаоллар, мактабда — устозлар, уйда ота-оналарнинг доимий эътибори зарур. «Дўстлик» маҳалласида олиб борилаётган ишларни қўқарили, деб баҳолаш мумкин. Аммо йўлдош ва Бобур номили маҳаллалардаги ишларни қўқарили, деб бўлмайди. Мана шундай йиғинларда ўзаро тажриба, фикр айирбошлаш катта аҳамиятга эга.

♦ Тўлқин СУЛТОНОВ, Сергели туман халқ таълими бўлимининг мудири:

— Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликнинг сабабларидан бири — уларнинг мавжуд қонунлари етарлича билмасликларидадир. Мисол учун, кўпгина мактабларда «Хуқуқ асослари» дарсларини малакали ҳуқуқшунос эмас, балки тарих, ҳатто адабиёт ва бошқа фан ўқитувчилари олиб борадилар. Бу муаммоларнинг ечимлари ҳам мактаблардаги кадрлар аҳолига бориб тақалади.

♦ Зикир НАЗИРОВ, профессор, Сергели туман оқошқоллар кенгашининг раиси:

— Қай ишгаки меҳр-муҳаббат билан астойдил ёндошсангиз, кўпгина муаммоларни ечиш мумкин. Масалан, ҳозирги

шароитда болаларга бепул дам олиш имкониятини яратиш жуда долзарб масала ҳисобланади. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими ўз имкониятларидан келиб чиқиб, 300 та бепул ўйланма актралди. Мактабларда аълочиларга стипендия таъсис этилиши ҳам уларнинг интилишлари, тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Менимча энг ишончли тарбия воситаси бу — меҳнат. Фойдала меҳнат, ҳунар ўрганишга жалб этилган ўсмирдан қондабузар чиқмайди. Дарҳақиқат, фақатгина ички ишлар ва ҳокимлик вакиллари кўтиб туриш керак эмас. Кўпгина ишларни бевосита маҳалланинг ўзида ҳал қилиш мумкин. Тўй-ҳашам ва маросимларнинг ортинча чиқимсиз ўтказиши олайлик. Бу борада маҳалла фаоллари тўғрисида, ягона мақбул қарорга келиши мумкин-ку.

♦ Мукаррамхон АЗИМОВА, «Файз» ҳиссасдорлик жамияти раиси, Олий Мажлис депутати:

— Маҳалла — фақат ўзимизга хос бўлган, энг муқобил, маъмурий тизим ҳисобланади. Кўп маҳаллалар ҳудудда турли қорхоналар жойлашган. Демак, иш билан бандлик муаммосини ҳам бевосита ҳал этиш мумкин. Аммо ана шундай қўлай имкониятдан етарлича фойдаланилмаяпти. Бизда энг катта муаммо бу — бефарқлик. Ахир, ҳар биримизнинг шахсий масъулиятимизгина умумий ишда ижобий ўзгариш ясаши мумкин.

♦ Усмонбек ТОЖИБЕКОВ, «Қамолот» жамғармаси Сергели туман бўлимининг раиси:

— Биз конференцияда қуйдаги тақдирларни ўртага ташладик: ҳар ойнинг маълум бир кунини «Ёшлар кунини» деб белгиланса, ўша кунларда ёшлар муаммоларига кенгроқ ёндошилса, мақсадга мувофиқ бўларди. «Устоз — шоғирот» тизимини ривожлантириш учун «Қамолот» ҳам хисса қўйишга тайёр. Фақат бу ишда маҳаллаларнинг узвий ҳамкорлиги зарур бўлади. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, иш билан бандлик, касб-ҳунар ўргатиш ва ҳокзозлар ҳам «Қамолот»нинг маҳаллалар билан ҳамкорлигида амалга оширадиган вазифаларидан ҳисобланади.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ

— Ижодий фаолият самарали бўлиши учун мусаввирда қандай сифатлар мавжуд бўлиши керак?

— Ижодкор учун тўқилишнинг чек-чегараси йўқ, агар у шунга келса, тўқтайди. Қанчалик ўзидан қониқмаса, ривож топади. Шу сабабли ижодкор одам доимо ўзидан қониқиш ҳосил қилмай юргани маъқул деб ўйлайман. Ҳар бир инсоннинг ўз шахсий тушунчаси, руҳий ҳолати бўлиши керак. Биз ўқиган вақтимизда ҳам шундай бўлган эди. Шу бугун ёш бир мусаввир талаба билан учрашдим. У чет мамлакатда бўлиб қайтибди. Мен унга «Яхши» дедим, «ажаойиб» дедим. «Энг яхши сифат ўз Ватанини тушуниш, шу ер, тупроқдан муҳаббатини топиш. Бу ишланган асарлар эса ўзинингки эмас, дилингдан чиқмаган. Ватан сенга руҳий озуқа беради. У муқаддас даргоҳ. Кўпчилик ўз вақтида шу бойлиқни сезмайди, қадрламайди. Чет элда бу сифат бўлмайди», дедим. Ватанин севиб энг муҳимидир. Шу нарса ҳамиша ҳақиқий ижодкорни руҳлантириб куч-қувват беради.

— Бевосита ўқитиб ўргатмаган бўлсангиз ҳам орқаваротдан сизни кўпчилик устоз ҳисоблайди. Сабаби, уларга кўп ёрдамлар берганингизда бўлса керак. Олий ўқув юртида ўқитган бир неча ўнлаб шоғирларингиз ҳам бор. 70-йилларда Нисомий номидаги пединститутда, бадий-графика бўлимида ўқиганларнинг аксарияти сизни ўзининг устози сифатида эъзозлаб, таърифлаганини эшитганмиз. Уларнинг айримлари ҳозир ижодда сафдошингиз, ҳамкасбингиз ҳисобланишди. Тўзуққина асарлар яратиш таъсирли санъат ихлосмандлари эътиборига сазовор бўлишган...

— Шундайлардан Фахриддин Тоҳиров, Анвар Мирсоатов, Абдували Муминовларнинг номини айтсам кифоя қилар...

— Биз рассомлар ижодини тарғиб ташвиқ қилиб ёзиб юрувчи кишилар айрим ҳолларда «...фалончи ёш рассомнинг асарлари «фалон-фалон» хорижий мамлакатлардаги нуфузли коллекцияларда сақланади», деб юборамиз. Сиздек етук рассомнинг асарлари авваламбор халқимизга манзур ва машҳур бўлганлиги муҳим жиҳатдир деб ўйлайман. Айтингчи, қайси хорижий юртларда сафарларда бўлгансиз, асарларингизни кўрсатгансиз?

— Мальта, Кипр, Марокаш, Грецияда бўлганман, Италияга сафар қилганимда Амантай шахрининг фахрий фуқаролигига сайлашган. Яна Россия Федерациясининг Санкт-Петербург, Иркутск, Ангарск, Братск шаҳарларида шахсий кўргазмаларим бўлиб ўтган, гуруҳли кўргазмаларда қатнашганман. Вьетнамда ҳам шахсий кўргазмам намойишга қўйилган эди.

— Марказий Осиёда-чи...

— Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида, Қозғистон, Қирғизистонда ҳам шахсий кўргазмаларим бўлиб ўтган.

— Швецияда ҳам сафарда бўлгансиз-а?

— Ҳа. Стокгольм шаҳрига ўзбек рассомлари кўргазмасини олиб борганмиз. Бир гуруҳ рассомларнинг ижодий ишлари билан у ердагиларни таништирганмиз. Ўзим ўша жойда ишлаган асарларимдан ташкил этилган алоҳида кўргазмамни ҳам кўрсатган эдим.

— Ҳинд халқи ҳаёти ва тарихига оид асарларингиз борлигини ҳам биламиз...

— Ҳиндистонда бўлмаганман. Аммо «Ҳиндистон» номи асарим (триптих) бор. Уни 1985 — 87 йиллари

Диплашув

ИНСОННИ ИНСОН ТУШУНСИН



Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевни йўқлаб борсам мусаввирнинг иккинчи қаватдаги ижодхонаси қўлфлоглиқ турибди. «Нима қилсам экан», деб турсам бир ёш мусаввир келиб қолди ва у «Сизга Рўзи ака керак бўлса, ана, — деди деразадан кўрсатиб, — уйлари анави рўпардаги бино, ўша ерда бўлсалар керак. Бораверинг, ҳозиргина ҳовлида кўрган эдим».

Бориб чақирдим. Рўзи ака чиққач, мақсадимни айтган эдим, «Сўхбат-лашсангиз ҳозир жуда вақти-да», деди.

яратганман. Ана шу ишга тайёргарлик анча аввалдан бошланган. Тошкентда бўлиб ўтган бир неча кинофестивалларда иштирок этган хорижий мамлакатлар вакиллари, ҳиндистонликларнинг ҳам қўлаб портретларини ишлаган эдим. Ана ўша портретлар Ҳин-

Ботир Зокиров билан танишиб, портретини ишлаганимдан сўнг, унинг ёрдамида мен ёзувчилар ва санъат кишилари даврасига кирдим десам тўғри бўлади. Ботир Зокиров мен ҳақимда «Советская культура»да мақола ҳам ёзган эди. «Ҳар бир кун ижодий» деган



дистонга бағишланган алоҳида бир асарлар туркумини ташкил этади.

— Дилингизга энг яқин, ўзингиз қадрлаган, ардоқлаган асарларингиздан бир нечасининг номини айтсангиз. Уларнинг яратилиши тарихи хусусида, аниқроғи «Ботир Зокиров портрети» ҳақида гапириб бering.

— Истиқлолга эришганимиздан кейинги даврни оладиган бўлсам, «Алимбоев портрети», «Фитрат портрети»нинг 2 та вариантини айтиб ўтишим мумкин. «Мулоқот» асаримни яқиндагина, 1997 йил 22 майда ишладим. Бу ишлар сўнгги 5 йилдаги фаолиятимнинг ҳисоботи дейишим мумкин. Энди сизни қизиқтираётган ишим, унинг яратилиши хусусида айтиб бера қолай. Ботир Зокиров билан Фарғонада бўлган концертда танишганмиз... 1966 йил эди. Ушанда Малик Қасимов «Йўлда уй ҳақида» номли фильм яратётган эди. У санъат кишилари тўғрисида бўлиб, Б. Зокиров ва бошқа бир қанча санъаткорлар унда тасвирга туширилган эдилар. Ботир Зокиров эстрада санъати, умуман қўшиқчилигимизнинг юлдузи эди-да!

сарлавҳада чиққан. Мен ва Икром Акбаров Ботирнинг дўстлари бўлганмиз. Айтгандай «И. Акбаров портрети»ни ҳам ишлаганман.

— Сизнинг ижодий фаолиятингиз ҳақида ҳаётингизнинг босқичлари, турли даврлари тўғрисида бади, мақола, тадқиқотлар ёзилган. Улардан энг қизиқарлилари қаторида Шукр Холмирзаев, Нодир Норматов ёзганларини алоҳида ажратиб кўрсатсам ўринли бўлса керак. Айниқса, Нодир Норматов битган ҳужжатли қисса машҳур бўлиб кетганлиги ёдимда турибди. У киши ёзган китоб тасвирий санъат ихлосмандлари, махсус билим юртларининг талабалари, мактаб ўқувчилари орасида қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Ушанга нисбатан муносабатингизни билдирсангиз.

— Умрида расм кўрмаган инсон топилмаса керак. Болалар ҳам, катталар ҳам маълум даражада тасвирий санъатга бефарқ эмаслиги мени қувонтира-

ди. Китобни юзага келтирган, туғилишига сабаб бўлган муҳит бўлган-да, ушанда. Шунинг учун ёзилган бўлса керак. Муқтазилликка эришганимиздан кейин санъатга катта ғамхўрлик бўлмоқда. Президентимизнинг Бадиий академия ташкил этиш ҳақидаги Фармони бунинг исботидир. Мени фахрий академикликка сайлашди. Айни шу кунларда яшашни хоҳлайман, янада мазмунли яшасам деган орзудаман... Ишлайдиган, ижод қиладиган давр келди!

— Сиз ўзингизни бахтли ҳисоблайсизми? Барча ният, мақсадларингизга эришдингизми, яна қандай орзуларни амалга оширишни ўйлаб, режалаб турибсиз? Ҳозир қандай асар устида ижодий иш олиб бормоқдасиз?

— Ҳали санъат йўлидаги менинг бойлигим туғилгани йўқ! Мусаввир ҳаётнинг ҳар соҳасидан ҳамма вақт қарз! Бизлар илгари унчалик чуқур билмаган улуг инсонлар, миллатларварларни кашф этмоқдамиз. Уларнинг портретларини яратаямиз. Улар гўё халқ назарида қайта туғилмоқдалар. Энг катта бахт инсоннинг инсонни тушунишдир! Мана, бир ҳаётини мисол. Офтоб чараклаб турибди, ҳаёт яхши, оқсоғишта, тинчлик, ерда маст киши тупроққа беланиб ўтирибди. «Қара» дейман, уни ўткинчи бир кишига кўрсатиб. «Қандай яхши, мазмунли яшаш мумкин бўлган замонда у бефарқ, ухлаб ўтирибди!» Йўловчи қулиб ўтиб кетди. Муҳим ҳар қандай ишда, фаолиятда такомилликка интилиш керак! Мудраб бирор нарсаси эришиб бўлмайди...

— Муваффақият билан намойиш этилган «Кўнгил кўчалари» видеофильмида роль ўйнаганингизда сизни дарров таниб қолдиш томошабинлар. Видеофильмининг ўша сиз чиққан «Кўнгил кўчалари» расмчиликдан йироқ бўлган касблардаги одамлар даврасида кўриб ўтирган эдим-да! Шу сабабдан ҳам жуда ҳурсанд бўлдим. Улар «Йе! Рўзи Чориев-ку!» деб, қувониб сизнинг қобилиятларингизни яна бир кйрасини кашф этдилар... Сиз тўғривизда ҳужжатли фильмлар ҳам ишланганими?


— Ҳа, яратилган. Улар бир неча. Дастлабкиси Ботир Зокиров ва бошқа санъаткорлар билан тасвирга туширилгани тўғрисида юқорида айтиб ўтдим. «Кўнгил кўчалари»да чиқиб қолганимнинг воқеаси жуда қизиқ бўлган. Бир кун ёзувчи, драматург дўстим Машраб Бобоев мени меҳмонга чақирди. Жуда чиройли, тўқин дастурхон тусалган столлар атрофида йиғилдик. Қарасам кино олишаётган экан. Шунда мен «Қиного туширманлар, олмаганлар» дедим. Лекин улар бошқа нарсаларни олаётган бўлиб туриб, алдаб қўйишди. Мен ўзимнинг ролини ўйнаб қўйибман. Аммо бундай иш қўришларини менга билдиришмаган. Шу сабабли табиий чиққандирда. Энди бўлса навбатдаги бирор «қуй»ни олишда яна иштирок этишга тақлиф қилишмоқда...

— Барча инсонларга — улар ёшми, қарими, яхшими, ёмонми бундан қатъи назар, қандай ниятларни тилайсиз? Уларга доимо қандай сифатлар ҳамроҳ бўлишини ис-тайсиз...

— Яхшилик, саҳийлик, муруват доимо яхшиликни тугдиради. Яхшилик, яхшилик, яхшилик! Бизлар инсонларга нисбатан саховатли бўлсак, улар ҳам ўз навбатида бизларга шундай муносабатда бўлишлари керак.

Баҳром ТОЖИБЕВ

СУРАТДА: Рўзи Чориев ишлаган «Ҳинд аёли» асаридан кўчирма.



Тошкент қурилишларида.
Рашид Галиев олган суратлар.



Баҳодир ОРИПОВ.

ДАРОМАД ОШИБ БОРАДИ

Яқинда «Тошқўйма-чи» ҳиссасдорлик жамияти акциядорларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Меҳнат жамоаси жамиятининг 31 фоиз акциясига эгалик қилар эди. Қорхона маъмурияти брокерлик идорасидан яна 7 фоиз акцияни сотиб олди. 32 минг дона акция ҳиссасдорлик жамияти бошқаруви қарорига кўра ишчи-хизматчиларга иш стажларига кўра тақсимланди. Сотиб олинган акциялар ҳақи маошдан 3—4 ой мобайнида ушлаб қолинадиган бўлди.

Ўтган йили ҳиссасдорлик жамияти иш натижалари дуруст бўлди. Махсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган қўрсаткичлар бажарибгина қолмасдан, қорхона қарзларидан ҳам қўтулди ҳисоб. Бу қарзлар 380 миллион сўмни ташкил этарди.

Ўтган йилда қорхона томонидан 7 миллиард 345 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Барча тўловлардан сўнг акциядорлар ихтиёрида 507 миллион сўм қолди. Унинг 322 миллион сўмини янги ускуналар харид қилишга ажратишга қарор қилинди. 74 миллион сўм қорхонанинг турли хил фондлари учун ажратилди. 30 миллион сўм эса акциядорларга даромад ҳисобида тақсимланганидан бўлди. Ҳар бир акция учун 107,8 сўмдан дивиденд тўланади.

Ҳозирча жамиятда акциялар дивиденди йилгига бир марта бериляпти. Қорхона барқарор ишлаб турса соф даромад кўпаяди, демак акцияларга ой сайин дивиденд тўланади.

Бу дунё ўткинчи экан. Аммо шунинг билан бир-биримизни асрамаймиз, авайламаймиз.

Бу воқеани менга бир дугонам сўзлаб берганди. «Фарзандингиздан қайтсин!» Шу сўзни қайнонамдан эшитган, узок кунлар миям пучмоқларида тақорланиб турди. Турсам ҳам, юрсам ҳам фақат шу ҳақда ўйлайвердим. Нуқул ўзимга ўзим нима ёмон иш қилибман-ки, фарзандларимдан ёмонлик бўлиб қайтиши керак. Тўққиз ой қорнимда кўтариб ёмай едириб, киймай кийдириб, оқ ювиб, оқ тараб неки топсам боламга деб, уйимни кўрса кўз қувонадиган қилиб ўтирсаму яна фарзандларим менга «хуна» кўрсатишлари керак дейман? Уйлаган сарим юрагим увушаваради. Уйимнинг охири кўринмайди.

Кўнгилни чиннига қўйсашади. Чинни эса сингач, чегалагани билан ўз ҳолига ҳеч қачон қайтмайди, қайтаролмайсиз. Кўнгил ишласини ҳам синдириган ўзингиз-ку, ойижон! Бир пайтлари бирон байрам йўқ эдики, сизни эсламаган, йўқламаган бўлсак! Ўзимиздан ортирганимиз ҳам, топган-туганимиз ҳам сизга эди. У пайтларда фарзандларимиз гўдак эди. Онамнинг бешик ва суннат тўйларида, туғилган кунларида қилган саргулолари этиб ортарди. Аммо вақт шундайин

учар қуш эканки, фарзандларимнинг бўйи етиб, каттароқ ейдиган, тузукроқ кийимларини сўрайдиган бўлишди. Турган гап-ки, уларнинг бўйи чўзилган сайин биз эр-хотинини унинг ғами босаверар ва рўзгордан уч-тўрт

бир-бирлари билан келишолмасаларда, қайнота ва келин бир-бирларини қўлаб-қувватлайдилар», деган ҳаёлга бора-ман. Сиз шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бизда ҳам шундай эди. Қайнотам имкон қадар менга ёрдамлашар, қўлаб-қувватларди. Тўғри, сиз ҳам менга у қадар ортинча озор

масам кир ювман, болаларга тузукроқ овқат қилай деб уйнайман. Оила таъшишлари билан ўралашиб, йилларнинг ўтиб кетаётганини ҳам сезмай қолбман. Қани, ўзингиз инсоф билан айтидиган эди. Қайнотам рўзгор қилиб чиқариб юборганингиздан кейин буви бўлиб бирон кун болаларимга қарадингизми? Бола-

Онамнинг меҳнат қила-қила буқилган қадди-қоматию, сизнинг ҳаммамнинг ҳавасини келтирадиган сарвади қоматингиз...

Қайнона ҳам она дейишди. Нега бўлмасам онамлар уйга меҳмон бўлиб борган кезларимда: «Қуруқ келсанг ҳам уйингда тинч ўтир. Болачақанг, бизнинг бахтимизга соғ-саломат бўлсанг бас», дейдилар. Улар ҳам бизни не-не умидлар билан боққанлар, аммо шу кунга қадар ҳеч нарсаси қилмаганлар. Сиз бўлсангиз... борсак фақат бўлимизга қарайсиз. Ахир қўлимиз-йўғимиз бор дегандай. Ҳамма фарзандларингизга шундай қиласиз. Шунинг учун ҳам улар ота уйлари томон қўшай ўқийдилар. Қани сизнинг оналик меҳрингиз? Агар фарзандларингизда бўлса сиздан ашхаримди, ойижон!

Балки мен адашаётгандир-ми? Менинг ҳаётдан, болаларимдан умидим катта. Бу ҳаёт сўқмоқлари шунчалар кўпки, ҳали фарзандларим қайси бирига қирғиб чиқади-лар, билмайман, аммо ҳаёт эканман, уларнинг бахти-саодати учун курашаман. Ва бу курашда толиқиб, ҳорғинлик ниямилгини билмасдан яхшиликка интилавераман!

Келинчақнинг илдосини ёзиб олгани МОХИНУР.

ЧЕГАЛАНГАН КҮНГИЛ

Турмуш чорраҳаларнаа

танга орттиришга, тўплашга ҳаракат қила бошладик. Сизнинг назарингизда эса энди биз бой эдик. Аммо ана шу уч-тўрт танга фақат соғлигимиз ҳисобига эди.

«Фарзандингиздан қайтсин!» деганда сиз нимани кўзда тутган экансиз, билмадим. Беш фарзандни воёга етказиб, уйли-жойли қилдингиз. Фақат нима учун барининг кўнгли ярим, юзларини заъфарон, қўзлари ғамгин? Нега баъзиларнинг фарзандларидек қувонмайдилар? Бахт деб аталмиш улкан кемада наҳотки уларга бир парча жой тегмаган бўлса! Ўзингизда, (ҳали бунга кўп бўлмади), тобингиз бўлмай ётиб қолганингизда бе-шоғи ҳам сиз учун жон олиб жон берди.

Баъзан «Нима учун кўпгина оилаларда қайнона ва келин

